

## XVI. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ

### 1-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТИ

**Демография статистикаси** – ижтимоий-иқтисодий статистика соҳаларидан бири бўлиб, аҳоли сони, таркиби, аҳоли ёки унинг гуруҳлари жойлашуви ва такрор ҳосил бўлиши билан боғлиқ маълумотларни статистик усуллардан фойдаланган ҳолда йиғиш, қайта ишлаш, ифодалаш ва таҳлил қилиш фаолияти билан шуғулланади.

2025 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикасининг доимий аҳолиси сони **37 543,2** минг кишини ташкил этиб, 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан **2,0** фоизга кўпайган. 2024 йил январь-декабрь ойларида туғилганлар сони **926,4** минг нафарни, вафот этганлар **174,4** минг нафарни ташкил этиб, табиий ўсиш **752,0** минг кишига тенг бўлди. Қайд этилган никоҳлар **271,8** мингтани, никоҳдан ажралишлар **45,1** мингтани, мамлакатга хорижий давлатлардан кўчиб келганлар сони **2 229** кишини ва мамлакатдан хорижга кўчиб кетганлар сони **10 842** кишини ташкил этган.

#### Асосий демографик кўрсаткичлар (2024 йил январь-декабрь ойлари бўйича)

|   |   |                           |
|---|---|---------------------------|
| <b>Доимий аҳоли сони</b><br>(2025 йил 1 январь ҳолатига )   |   | <b>37 543,2</b> минг киши |
| <b>Тирик туғилганлар сони</b>   | <b>Вафот этганлар сони</b>  |                           |
|  <b>926 422</b> киши<br>Туғилиш коэффициенти<br><b>24,9</b> %  |  <b>174 413</b> киши<br>Вафот этиш коэффициенти<br><b>4,7</b> %    |                           |
| <b>Қайд этилган никоҳлар сони</b>   | <b>Никоҳдан ажралишлар сони</b>   |                           |
|  <b>271 776</b> та<br>Никоҳ тузиш коэффициенти<br><b>7,3</b> % |  <b>45 135</b> та<br>Никоҳдан ажралиш коэффициенти<br><b>1,2</b> % |                           |
| <b>Хориждан кўчиб келганлар сони</b>  | <b>Хорижга кўчиб кетганлар сони</b>   |                           |
|  <b>2 229</b> киши   |  <b>10 842</b> киши  |                           |


## 2-БЎЛИМ. ДОИМИЙ АҲОЛИ СОНИ

Доимий аҳоли сони 2021 йил 1 январь ҳолатига 34 558,9 минг кишини ташкил этган бўлса, 2025 йилнинг 1 январига келиб 37 543,2 минг кишига етган. Доимий аҳоли сонининг йиллик ўсиш суръати 2021 йил 1 январь ҳолатига 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 1,9 фоизга кўпайган бўлса, 2025 йил 1 январь ҳолатига ўсиш 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 2,0 фоизни ташкил этган.

### Ўзбекистон Республикасининг доимий аҳолиси сони (1 январь ҳолатига)




Доимий аҳоли сони таркибида эркаклар 18 904,5 минг кишини, аёллар эса 18 638,7 минг кишини ташкил этган. Доимий яшаш ҳудуди бўйича шаҳар жойларда 19 135,8 минг киши, қишлоқ жойларда эса 18 407,4 минг киши истиқомат қилмоқда. Доимий аҳоли сонининг 50,4 фоизини эркаклар, 49,6 фоизини аёллар, шунингдек, 51,0 фоизини шаҳар аҳолиси, 49,0 фоизини қишлоқ жойлар аҳолиси ташкил этмоқда.



### Аҳолининг табиий ўсиши

Аҳолининг табиий ўсиши – ҳисобот даврида туғилганлар ва вафот этганлар сони ўртасидаги фарқнинг абсолют миқдорини ифодалайди. 2024 йил январь-декабрь ойларида аҳолининг табиий ўсиши 752,0 минг кишини ташкил этиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан эса 37,2 минг кишига камайган.


#### Аҳолининг табиий ўсиши динамикаси (январь-декабрь ойлари бўйича, минг киши)



### Аҳоли зичлиги

Ўзбекистон Республикасида 2025 йил 1 январь ҳолатига кўра 1 квадрат километрга ўртача 83,6 киши тўғри келган бўлса, 2024 йилда ушбу кўрсаткич 82,0 кишини, 2021 йилда эса ушбу кўрсаткич 77,0 кишини ташкил этган.


#### Аҳоли зичлиги динамикаси (1 январь ҳолатига, 1 кв.км.га тўғри келадиган аҳоли сони, киши)



**Аҳоли зичлиги** – муайян ҳудуддаги доимий аҳолининг умумий сонини шу ҳудуд майдонига нисбати орқали аниқланади.

Ўзбекистон Республикасида 2025 йил 1 январь ҳолатига кўра 1 квадрат километрга ўртача 83,6 киши тўғри келмоқда. Ҳудудлар бўйича таҳлил этилганда, аҳоли зичлигининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳри (6 948,1 киши), Андижон (804,9 киши) ва Фарғона (613,1 киши) вилоятларида, энг паст кўрсаткичлар эса Навоий вилояти (9,9 киши) ҳамда Қорақалпоғистон Республикасига (12,2 киши) тўғри келган.

**Ўзбекистон Республикаси бўйича аҳоли зичлиги**  
(2025 йил 1 январь ҳолатига, 1 кв.км.га тўғри келадиган аҳоли сони, киши)



**Доимий аҳоли** – рўйхатдан ўтказилаётган вақтда муайян аҳоли пункти ёки ҳудудда доимий истиқомат қилаётган аҳолидан иборат бўлиб, бунга ушбу ҳудудда доимий рўйхатда турган, лекин вақтинча яшамайдиган аҳоли ҳам киритилади.


Аҳоли умумий сонини ҳисоблаш жами республика ва унинг алоҳида маъмурий-ҳудудий бирликлари бўйича амалга оширилади.

Аҳоли сонини шаҳар ва қишлоқ жойлари бўйича ҳисоблашда маъмурий-ҳудудий ўзгаришлар натижалари – қишлоқ аҳоли пунктларини шаҳар аҳоли пунктларига ўзгариши (қисман ёки тўлиқ), шаҳар жойлари таркибига киритилиши, шунингдек, шаҳар жойларининг қишлоқ аҳоли пунктларига ўзгартирилиши ва бошқалар ҳисобга олинади.

### Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича доимий аҳоли сони

Ҳудудлар бўйича доимий аҳолиси сони энг кўп Самарқанд вилоятида 4 297,5 минг киши (жами аҳолининг 11,4 % и), Фарғона вилоятида 4 144,7 минг киши (11,0 %), Қашқадарё вилоятида 3 639,3 минг киши (9,7 %), Андижон вилоятида 3 461,0 минг кишини (9,2 %) ва Наманган вилоятида 3 131,7 минг киши (8,3%) ташкил этган бўлса, энг кам аҳоли сони эса Сирдарё вилоятида 930,8 минг киши (2,5 %), Навоий вилоятида 1 094,7 минг киши (2,9 %), Жиззах вилоятида 1 537,6 минг киши (4,1 %) ва Хоразм вилоятида 2 032,4 минг кишини (5,4 %) ташкил этган.

**Ҳудудлар кесимида  
доимий аҳоли сони**  
(2025 йил 1 январь ҳолатига,  
минг киши)



**Аҳоли сони бўйича улуши  
юқори бўлган ҳудудлар**  
(жами аҳолига нисбатан, % да)



**Аҳоли сони бўйича улуши кам  
бўлган ҳудудлар**  
(жами аҳолига нисбатан, % да)



### 3-БЎЛИМ. ТУҒИЛИШ

Мамлакатимизда 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида қайд этилган тирик туғилишлар сони 926,4 минг кишини, ҳар минг аҳолига нисбатан туғилиш коэффициенти 24,9 промиллени ташкил этди.

#### Туғилишларнинг чақалоқлар сони бўйича тақсимланиши (2024 йил январь-декабрь ойлари бўйича, % да)




2024 йилнинг январь-декабрь ойларида қайд этилган туғилишларни чақалоқлар сони бўйича таҳлил этилганда, куйидаги улусга эга бўлганлиги кузатилди: бир нафар туғилганлар 97,7 фоизни, икки нафар туғилганлар 2,2 фоизни ҳамда уч нафар ва ундан ортиқ туғилганлар 0,1 фоизни ташкил этган.

Республикада тирик туғилганлар сони 926,4 минг кишини, шундан ўғил болалар сони 479,5 минг кишини, қиз болалар сони 446,9 минг кишини, шаҳар жойларида 454,5 минг кишини, қишлоқ жойларида 471,9 минг кишини ташкил этди.

#### Жинслар бўйича тақсимланиши (2024 йил январь-декабрь, минг киши)




#### Шаҳар ва қишлоқ жойлар бўйича тақсимланиши (2024 йил январь-декабрь, минг киши)




#### Чораклар якунлари, (минг киши/улуши)


##### 2024 йил январь-март



##### 2024 йил январь-июнь




##### 2024 йил январь-сентябрь




Туғилишлар сонида 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида 2023 йилнинг мос даврига қадар барқарор ўсиш кузатилсада, 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 35,6 минг нафарга камайган.

**Ўзбекистон Республикасида қайд этилган туғилишлар**  
(январь-декабрь ойлари бўйича, минг киши)



2024 йил январь-декабрь ойларида туғилган чақалоқлар отасининг ёши бўйича 10,7 % чақалоқлар отасининг ёши 25 ёшгача, 82,5 % ининг отаси 25-39 ёшдагилар ҳамда 6,8 % чақалоқларнинг отаси 40 ёш ва ундан катта ёшдагилар ҳиссасига тўғри келган. Шунингдек, туғилган чақалоқлар онасининг ёши бўйича 39,3 % чақалоқлар онасининг ёши 25 ёшгача, 59,5 % ининг онаси 25-39 ёшдагилар ҳамда 1,2 % чақалоқларнинг онаси 40 ёш ва ундан катта ёшдагилардан иборат бўлган.

**Ота-онасининг ёши бўйича туғилганларнинг тақсимланиши**  
(2024 йил январь-декабрь ойлари бўйича, % да)






### Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича қайд этилган туғилишлар

Ҳудудлар бўйича энг кўп туғилишлар сони Самарқанд вилоятида 110 865 нафар (жами туғилишнинг 12,0 % и), Фарғона вилоятида 103 062 нафар (11,1 %), Қашқадарё вилоятида 100 909 нафар (10,9 %) ва Андижон вилоятида 86 305 нафар (9,3 %) қайд этилган бўлса, энг кам кўрсаткич Сирдарё вилоятида 22 113 нафар (2,4 %), Навоий вилоятида 25 763 нафар (2,8 %), Жиззах вилоятида 38 561 нафар (4,2 %) ва Қорақалпоғистон Республикасида 41 641 нафарни (4,5 %) ташкил этган.

#### Ҳудудлар бўйича туғилишлар сони ва коэффиценти (2024 йил январь-декабрь, киши)



#### Туғилишлар сони бўйича улуши кўп бўлган ҳудудлар (жамига нисбатан, % да)



#### Туғилишлар сони бўйича улуши кам бўлган ҳудудлар (жамига нисбатан, % да)





#### 4-БЎЛИМ. ВАФОТ ЭТГАНЛАР

**Ўлим (вафот этиш)** бу – тана ҳаётий фаолиятининг биологик ва физиологик жараёнлари тўлиқ тўхташи.

**Ўлик туғилиш** – нафас, юрак уриши, киндик пулсацияси, мускулларнинг беихтиёр қисқаришларидан бири мавжуд бўлмаса бола ўлик туғилган ҳисобланади. Бунда онанинг ҳомиладорлик муддати 22 ҳафта ва ундан ортик, боланинг бўйи 25 см ва ундан ортик, вазни 500 грамм ва ундан ортик бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида вафот этганлар сони 174,4 минг кишини, ҳар минг аҳолига нисбатан ўлим коэффиценти эса 4,7 промиллени ташкил этди.

Жорий йилда қайд этилган ўлим ҳолатлари ойлар кесимида таҳлил этилганда, энг кўп вафот этиш август ойида 18 776 та қайд этилган бўлса, нисбатан кам вафот этишлар январь ойида 11 307 та қайд этилган.


Вафот этганларнинг 55,1 фоизини эркеклар, 44,9 фоизини аёллар ташкил этган.

Шунингдек, жами ўлимларнинг 56,3 фоизи шаҳар жойларда, 43,7 фоизи қишлоқ жойларда қайд этилган.


2024 йил январь-декабрь ойларида вафот этганлар сони 174,4 минг кишини ташкил этди, шундан эркеклар сони 96,0 минг кишини, аёллар сони эса 78,4 минг кишини, шаҳар жойларида вафот этганлар сони 98,2 минг кишини, қишлоқ жойларида 76,2 минг кишини ташкил этди.

##### Жинслар бўйича тақсимланиши (2024 йил январь-декабрь, минг киши)

##### Эркеклар




##### Аёллар




##### Шаҳар ва қишлоқ жойлар бўйича тақсимланиши (2024 йил январь-декабрь, минг киши)

##### Шаҳар




##### Қишлоқ




##### Чораклар якунлари, минг киши/улуши


##### 2024 йил январь-март



##### 2024 йил январь-июнь




##### 2024 йил январь-сентябрь



Вафот этганлар сони 2020 йил январь-декабрь ойларида 175,6 минг кишини ташкил этган бўлса, 2024 йил январь-декабрь ойларида вафот этганлар сони 174,4 минг кишини ташкил этган.

**Ўзбекистон Республикаси бўйича қайд этилган ўлимлар сони**  
(январь-декабрь ойлари бўйича, минг киши)



**Йиллар**

Ҳар минг аҳолига нисбатан вафот этиш коэффициенти 2020 йил январь-декабрь ойларида 5,1 промиллени ташкил этган бўлса, оралиқ йилларда қисман ўсиш кузатилиб, 2024 йил январь-декабрь ойларида 4,7 промилле қайд этилган.

**Ўзбекистон Республикаси бўйича вафот этиш коэффициенти**  
(январь-декабрь ойлари бўйича, промилле)



**Йиллар**

**Ўлим сабаблари** – ўлимга ёки унинг содир бўлишига таъсир этган касалликлар, патологик ҳолатлар ва жароҳатлар, шунингдек, ўлим билан яқун топган жароҳатга сабаб бўлган бахтсиз ҳодиса ва зўравонлик ҳолатлари;

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида қайд этилган ўлим ҳолатининг 57,6 фоизи – қон айланиш тизими касалликларидан, 9,4 фоизи – ўсимталардан, 6,3 фоизи – нафас олиш аъзолари касалликларидан, 5,8 фоизи – бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатланишлардан, 4,1 фоизи – овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларидан, 1,1 фоизи – юқумли ва паразитар касалликлардан, 15,7 фоизи бошқа касалликлардан вафот этганлар.

### Вафот этганларнинг асосий ўлим сабаблари


(2024 йил январь-декабрь, ҳар 100 000 аҳолига нисбатан, киши)



## Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича қайд этилган ўлимлар

Ҳудудлар бўйича вафот этганлар сони энг юқори бўлган Самарқанд вилоятида (18 854 киши), Фарғона вилоятида (17 880 киши), Андижон вилоятида (17 815 киши) ва Тошкент шаҳрида (16 720 киши) қайд этилган бўлса, нисбатан кам ўлимлар сони Сирдарё, Навоий ва Жиззах вилоятларида қайд этилган.

### Ҳудудлар кесимида ўлимлар сони ва коэффициенти (2024 йил январь-декабрь, киши)



Ўлимлар сони бўйича улуши энг кўп Самарқанд вилоятида 10,8 % га, Фарғона вилоятида 10,3 % га, Андижон вилоятида 10,2 % га, Тошкент шаҳрида 9,6 % га ва Тошкент вилоятида 9,4 % га тенг бўлган.

### Ўлимлар сони бўйича улуши кўп бўлган ҳудудлар (жамига нисбатан, % да)



Ўлимлар сони бўйича улуши нисбатан кам Сирдарё вилоятида 2,6 %, Навоий вилоятида 2,8 %, Жиззах вилоятида 3,5 %, Хоразм вилоятида 5,2 % ва Бухоро вилоятида 5,5 % ни ташкил этган.


### Ўлимлар сони бўйича улуши кам бўлган ҳудудлар (жамига нисбатан, % да)



## 5-БЎЛИМ. НИКОҲЛАР

2024 йил январь-декабрь ойларида қайд этилган никоҳлар сони 271,8 мингтани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 12,0 мингга камайган.

### Ўзбекистон Республикасида қайд этилган никоҳлар (январь-декабрь ойлари бўйича, минг бирлик)



2024 йил январь-декабрь ойларида қайд этилган никоҳлар сони 271,8 мингтани ташкил қилди, шундан шаҳар жойларида 136,7 мингга (50,3%), қишлоқ жойларида 135,1 мингга (49,7%) қайд этилган.

Мазкур кўрсаткични ойлар бўйича таҳлил этилганда, энг кўп октябрь ойида, энг кам март ойида қайд этилган.

#### Шаҳар ва қишлоқ жойлар бўйича тақсимланиши (минг бирлик)

##### Шаҳар



136,7

50,3 %

##### Қишлоқ



135,1

49,7 %

#### Чораклар якунлари (минг бирлик/улуши)

##### 2024 йил январь-март



23,1

47,4 %



52,6 %

25,5

##### 2024 йил январь-июнь



50,1

51,4 %



48,6 %

47,3

##### 2024 йил январь-сентябрь



93,7

52,2 %



47,8 %

85,7

**Никоҳ** – эркак ва аёл ўртасидаги, уларнинг бир-бирларига ва фарзандларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берадиган ўзаро муносабатлари шакли. Эр ва хотин ўртасидаги юридик муносабатлар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиши (ФХДЁ) органларида никоҳларини рўйхатдан ўтказиши натижасида ўрнатилади;

**Никоҳланганларнинг ўртача ёши**  
(2024 йил январь-декабрь ойлари бўйича, ёш)




**Эркаклар** **Аёллар**  
**27,1** **22,3**

2024 йил январь-декабрь ойлари давомида қайд этилган никоҳларда аёлларнинг ўртача ёши 22,3 ёшни, эркакларнинг ўртача ёши эса 27,1 ёшни ташкил этган. Қайд этилган никоҳларнинг кўп қисми 25 ёшгача бўлган қизлар орасида бўлиб, жами қайд этилган никоҳларнинг 81,9 фоизини ташкил этган.

**Никоҳ ёши** – Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига мувофиқ, никоҳ ёши эркаклар ва аёллар учун ўн саккиз ёш этиб белгиланади. Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда, никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин.

2024 йил январь-декабрь ойлари давомида қайд этилган никоҳларда 20-30 ёшдаги аёлларнинг улуши энг юқори, яъни жами никоҳларнинг 53,9 фоизини ташкил этган.


**Никоҳланувчи аёлларнинг ёши бўйича тақсимланиши**  
(2024 йил январь-декабрь ойлари бўйича, % да)



## Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича қайд этилган никоҳлар

Ҳудудлар бўйича қайд этилган никоҳлар сони энг кўп Самарқанд вилоятида 31 425 та, Қашқадарё вилоятида 29 256 та, ва Фарғона вилоятида 29 179 та қайд этилган бўлса, энг кам кўрсаткич Сирдарё вилоятида 6 873 та, Навоий вилоятида 7 538 та ва Жиззах вилоятида 11 165 та кузатилган.

### Ҳудудлар бўйича никоҳлар сони ва коэффиценти (2024 йил январь-декабрь, бирлик)



Никоҳлар сонининг энг кўп улуши Самарқанд вилоятида 11,6 % га, Қашқадарё вилоятида 10,8 % га Фарғона вилоятида 10,7 % га, Андижон шаҳрида 8,6 % га ва Сурхондарё вилоятида 8,6 % га тенг бўлган.

### Никоҳлар сони бўйича улуши кўп бўлган ҳудудлар (жамига нисбатан, % да)



Никоҳлар сонининг энг кам улуши Сирдарё вилоятида 2,5 %, Навоий вилоятида 2,8 %, Жиззах вилоятида 4,1 %, Қорақалпоғистон Республикасида 4,8 % ва Бухоро вилоятида 5,5 % қайд этилган.

### Никоҳлар сони бўйича улуши кам бўлган ҳудудлар (жамига нисбатан, % да)





## 6-БЎЛИМ. НИКОҲДАН АЖРАЛИШЛАР

**Никоҳдан ажралиш (никоҳни бекор қилиш) – эр-хотинларнинг ҳаёти давомида, томонлар учун қайта никоҳ ҳуқуқини берувчи никоҳларининг тўлиқ юридик тўхтатилиши, никоҳ суд ҳал қилув қарорлари асосида ёки ФХДЁ ажралишини рўйхатдан ўтказганидан сўнг бекор қилинган ҳисобланади.**

2024 йил январь-декабрь ойларида қайд этилган никоҳдан ажралишлар сони 45,1 мингтани ташкил этиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 4,1 мингтага ёки 8,3 фоизга камайган.

Жами қайд этилган никоҳдан ажралишларда 20-30 ёшдаги аёлларнинг улуши энг юқори, яъни жами никоҳларнинг 47,7 фоизини ташкил этган.

Қайд этилган никоҳдан ажралишларда эркакларнинг ёш гуруҳлари бўйича улуши энг кўп 30-40 ёшдагиларга тўғри келиб, жами никоҳдан ажралишларнинг 47,1 фоизини ташкил этганлигини кўрсатмоқда.

2024 йил январь-декабрь ойларида қайд этилган никоҳдан ажралишлар сони 45,1 мингтани, шундан шаҳар жойларида 28,0 мингта (62,0%), қишлоқ жойларида 17,1 мингта (38,0%)ни ташкил этди. Ойлар бўйича никоҳдан ажралишларнинг таҳлили энг кўп январь ойида (4297 та) ва энг кам июнь ойида (3139 та) қайд этилганлигини кўрсатмоқда.

### Шаҳар ва қишлоқ жойлар бўйича тақсимланиши (минг бирлик)

**Шаҳар жойларда**



28,0

62,0 %

**Қишлоқ жойларда**



17,1

38,0 %

### Чораклар якунлари

(минг бирлик/улуши)

#### 2024 йил январь-март



7,1

61,4 %



38,6 %

4,4

#### 2024 йил январь-июнь



13,8

61,6 %



38,4 %

8,6

#### 2024 йил январь-сентябрь



21,1

62,0 %




38,0 %

12,9


2024 йил январь-декабрь ойларида қайд этилган никоҳдан ажралишлар сони 45,1 минг бирликни ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 16,9 мингтага ёки 59,9 фоизга кўпайганлиги кузатилди.

**Ўзбекистон Республикаси бўйича қайд этилган никоҳдан ажралишлар сони**  
(январь-декабрь ойлари бўйича, минг бирлик)



2024 йил январь-декабрь ойларида ҳар минг аҳолига нисбатан қайд этилган никоҳдан ажралишлар коэффициенти 1,2 промиллени ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 0,4 промиллега кўпайганлиги кузатилди.

**Ўзбекистон Республикаси бўйича никоҳдан ажралишлар коэффициенти**  
(январь-декабрь ойлари бўйича, промилле)



Никоҳдан ажрашганларнинг фарзандлар сони бўйича тақсимланиши  
(2024 йил январь-декабрь ойлари бўйича, % да)

48,1



Бир нафар фарзанд билан  
никоҳдан ажралишлар сони  
12 906 нафарни ташкил этган.

Фарзандсиз ажрашганлар

Фарзандсиз никоҳдан  
ажралишлар сони 21 726 нафарни  
ташкил этган.

28,6



1 нафар фарзанд  
билан ажрашганлар

23,3



Икки ва ундан ортиқ  
фарзанд билан никоҳдан  
ажралишлар сони 10 503 нафарни  
ташкил этган.

2 ва ундан ортиқ фарзанд  
билан ажрашганлар

Никоҳдан ажрашганларнинг ўртача ёши  
(2024 йил январь-декабрь ойлари бўйича, ёш)



Аёллар  
32,1




Эркаклар  
35,4

Никоҳдан ажрашганларнинг  
ўртача ёши 2024 йилнинг январь-  
декабрь ойларида эркаклар учун  
35,4 ёшни, аёллар учун 32,1 ёшни  
ташкил этган. Никоҳдан ажрашган-  
ларнинг аксарият қисми 35 ёшгача  
бўлганлар орасида қайд этилган,  
яъни жами никоҳдан ажрашган  
аёлларнинг 64,6 фоизини ташкил  
этган.

## Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича қайд этилган никоҳдан ажралишлар


Ҳудудлар бўйича никоҳдан ажралиш коэффициентининг энг юқори даражаси Тошкент шаҳрида 1,9 промиллени, Сирдарё вилоятида 1,6 промиллени, энг кам кўрсаткич Қашқадарё вилоятида 0,8 промиллени, Қорақалпоғистон Республикасида 0,9 промиллени, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида 1,0 промиллени ташкил этган.

### Никоҳдан ажралишлар сони ва коэффициенти (2024 йил январь-декабрь, бирлик)



Никоҳдан ажралишларнинг энг кўп улуши Тошкент шаҳрида 13,1 % га, Фарғона вилоятида 10,6 % га, Андижон вилоятида 10,6 % га, Самарқанд вилоятида 10,2 % га ва Тошкент вилоятида 10,1 % га тенг бўлган.

### Никоҳдан ажралишлар сони бўйича улуши кўп бўлган ҳудудлар (жамига нисбатан, % да)



Никоҳдан ажралишларнинг энг кам улуши Навоий вилоятида 2,8 %, Сирдарё вилоятида 3,3 %, Жиззах вилоятида 3,8 %, Қорақалпоғистон Республикасида 3,9 % ва Хоразм вилоятида 4,3 % эканлиги қайд этилган.

### Никоҳдан ажралишлар сони бўйича улуши кам ҳудудлар (жамига нисбатан, % да)



## 7-БЎЛИМ. МИГРАЦИЯ

2024 йил январь-декабрь ойларида жами кўчиб келганлар сони 241,8 минг кишини, улардан эркеклар 103,4 минг кишини, аёллар 138,4 минг кишини, шаҳар жойларида 182,2 минг кишини, қишлоқ жойларида 59,6 минг кишини ташкил этди.


### Кўчиб келганлар сонининг ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши

(2024 йил январь-декабрь ойлари бўйича, % да)




2024 йил январь-декабрь ойларида кўчиб келганларни ёш гуруҳлари бўйича тақсимланганда 11,5 % и меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар, 80,7 % меҳнатга лаёқатли ёшдагилар ва 7,8 % и меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Жинслар кесимида тақсимланиши (2024 йил январь-декабрь, минг киши)




Шаҳар ва қишлоқ жойлар бўйича тақсимланиши (2024 йил январь-декабрь, минг киши)




Чорақлар якунлари,  
(минг киши/улуши)


2024 йил январь-март



2024 йил январь-июнь




2024 йил январь-сентябрь




2024 йил январь-декабрь ойларида кўчиб келганлар сони 241,8 минг кишини ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 50,7 минг кишига кўпайган.

**Ўзбекистон Республикаси бўйича жами кўчиб келганлар сони**  
(январь-декабрь ойлари бўйича, минг киши)



Ўзбекистон Республикасига хорижий мамлакатлардан кўчиб келганларнинг асосий қисми Россия Федерацияси (жами хориждан кўчиб келганларга нисбатан (36,5 %), Қозоғистон Республикаси (24,2 %), Тожикистон Республикаси (10,8 %), Қирғиз Республикаси (6,9 %), Туркманистон Республикаси (2,5 %) ва бошқа мамлакатлар (19,1 %) ҳиссасига тўғри келган.

**Хорижий мамлакатлардан доимий яшаш мақсадида кўчиб келганларнинг давлатлар бўйича тақсимланиши**  
(2024 йил январь-декабрь ойлари бўйича)



## Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича жами кўчиб келганлар

Ҳудудлар бўйича кўчиб келиш коэффициентининг энг юқори даражаси Тошкент шаҳри, Навоий вилояти ва Тошкент вилоятларида кузатилган бўлса, энг кам кўрсаткичлар Наманган вилоятида 1,1 промилле, Андижон вилоятида 2,1 промилле, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятида 3,1 промиллени ташкил этган.

### Кўчиб келганлар сони ва коэффициенти (2024 йил январь-декабрь, киши)

|                    |        |        |
|--------------------|--------|--------|
| Қорақалпоғистон Р. | 10 429 | 5,2 %  |
| Андижон            | 7 202  | 2,1 %  |
| Бухоро             | 9 303  | 4,5 %  |
| Жиззах             | 7 586  | 5,0 %  |
| Қашқадарё          | 11 109 | 3,1 %  |
| Навоий             | 12 341 | 11,4 % |
| Наманган           | 3 314  | 1,1 %  |
| Самарқанд          | 13 330 | 3,1 %  |
| Сурхондарё         | 10 839 | 3,7 %  |
| Сирдарё            | 7 580  | 8,2 %  |
| Тошкент            | 32 434 | 10,5 % |
| Фарғона            | 13 362 | 3,3 %  |
| Хоразм             | 10 822 | 5,4 %  |
| Тошкент ш.         | 92 145 | 29,9 % |

Кўчиб келганларнинг ўсиш суръати энг юқори даражаси Тошкент шаҳрида 38,1 % га, Тошкент вилоятида 13,4 % га, Фарғона вилоятида 5,5 % га, Самарқанд вилоятида 5,5 % га ва Навоий вилоятида 5,1 % га тенг бўлган.

### Кўчиб келганлар сони бўйича улуши кўп бўлган ҳудудлар (жамига нисбатан, % да)

|            |      |
|------------|------|
| Тошкент ш. | 38,1 |
| Тошкент    | 13,4 |
| Фарғона    | 5,5  |
| Самарқанд  | 5,5  |
| Навоий     | 5,1  |

Кўчиб келганлар сонининг улуши нисбатан кам Наманган вилоятида 1,4 %, Андижон вилоятида 3,0 %, Сирдарё вилоятида 3,1 %, Жиззах вилоятида 3,1 % ва Бухоро вилоятида 3,8 % қайд этилган.


### Кўчиб келганлар сони бўйича улуши кам бўлган ҳудудлар (жамига нисбатан, % да)

|          |     |
|----------|-----|
| Наманган | 1,4 |
| Андижон  | 3,0 |
| Сирдарё  | 3,1 |
| Жиззах   | 3,1 |
| Бухоро   | 3,8 |



2024 йил январь-декабрь ойларида кўчиб кетганлар сони 250,4 минг кишини ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 46,8 минг кишига кўпайган.

Ўзбекистон Республикаси бўйича жами кўчиб кетганлар  
(январь-декабрь ойлари бўйича, минг киши)



Жинслар кесимида тақсимланиши  
(2024 йил январь-декабрь, минг киши)

Эркаклар



42,9 %

107,5

Аёллар



57,1 %

142,9

Шаҳар ва қишлоқ жойлар  
бўйича тақсимланиши  
(2024 йил январь-декабрь,  
минг киши)

Шаҳар



69,3 %

173,6

Қишлоқ



30,7 %

76,8

Чораклар якунлари,  
(минг киши/улуши)

2024 йил январь-март



44,1 %

25,7



55,9 %

32,5



69,4 %

40,4



30,6 %

17,8

2024 йил январь-июнь



43,8 %

52,8



56,2 %

67,8



69,6 %

83,9



30,4 %

36,7

2024 йил январь-сентябрь



43,0 %

83,2



57,0 %

110,3



69,3 %

134,2




30,7 %

59,3

**Кўчиб кетганлар сони** – кўчиб кетганларнинг абсолют миқдори, яъни муайян ҳудуддан унинг ташқарисига кўчиб кетганлардан иборат. Ички ишлар органлари томонидан аҳолини яшаши жойи бўйича рўйхатдан чиқаришда тузиладиган кўчиб кетишни статистик ҳисобга олиш варақаларини қайта ишлаш натижасида аниқланади.


**Кўчиб кетганлар сонининг ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши**  
(2024 йил январь-декабрь ойлари бўйича, % да)



2024 йил январь-декабрь ойларида кўчиб кетганларни ёш гуруҳлари бўйича тақсимланганда 12,0 % меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар, 80,0 % меҳнатга лаёқатли ёшдагилар ва 8,0 % меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ўзбекистон Республикасидан хорижий мамлакатларга кўчиб кетганларнинг асосий қисми Қозоғистон Республикаси (жами 81,1 %), Россия Федерацияси (14,8 %), Жанубий Корея (0,9 %), Қирғиз Республикаси (0,7 %), Туркменистон Республикаси (0,4 %) ва бошқа мамлакатлар (2,1 %) ҳиссасига тўғри келган.

**Хорижий мамлакатларга доимий мақсадда кўчиб кетганларнинг давлатлар бўйича тақсимланиши**  
(2024 йил январь-декабрь ойлари бўйича)



## Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича жами кўчиб кетганлар

Ҳудудлар бўйича кўчиб кетиш коэффициентини энг юқори Тошкент шаҳри, Навоий ва Тошкент вилоятларида қайд этилган бўлиб, энг кам кўрсаткич Наманган вилоятида 1,7 промилле, Андижон вилоятида 2,6 промилле ва Фарғона вилоятида 3,7 промиллени ташкил этган.

### Кўчиб кетганлар сони ва коэффициенти (2024 йил январь-декабрь, киши)

|                    |        |        |
|--------------------|--------|--------|
| Қорақалпоғистон Р. | 14 843 | 7,4 ‰  |
| Андижон            | 9 068  | 2,6 ‰  |
| Бухоро             | 12 801 | 6,2 ‰  |
| Жиззах             | 9 824  | 6,5 ‰  |
| Қашқадарё          | 17 819 | 4,9 ‰  |
| Навоий             | 13 786 | 12,7 ‰ |
| Наманган           | 5 355  | 1,7 ‰  |
| Самарқанд          | 16 388 | 3,9 ‰  |
| Сурхондарё         | 13 857 | 4,8 ‰  |
| Сирдарё            | 8 421  | 9,1 ‰  |
| Тошкент            | 28 856 | 9,4 ‰  |
| Фарғона            | 15 384 | 3,7 ‰  |
| Хоразм             | 12 391 | 6,2 ‰  |
| Тошкент ш.         | 71 616 | 23,3 ‰ |

Кўчиб кетганларнинг энг кўп улуши Тошкент шаҳрида 28,6 % га, Тошкент вилоятида 11,5 % га, Қашқадарё вилоятида 7,1 % га, Самарқанд вилоятида 6,5 % га ва Фарғона вилоятида 6,1 % га тенг бўлган.

### Кўчиб кетганлар сони бўйича улуши кўп бўлган ҳудудлар (жамига нисбатан, % да)

|            |      |
|------------|------|
| Тошкент ш. | 28,6 |
| Тошкент    | 11,5 |
| Қашқадарё  | 7,1  |
| Самарқанд  | 6,5  |
| Фарғона    | 6,1  |

Кўчиб кетганларнинг энг кам улуши Наманган вилоятида 2,1 %, Сирдарё вилоятида 3,4 %, Андижон вилоятида 3,6 %, Жиззах вилоятида 3,9 % ва Хоразм вилоятида 4,9 % қайд этилган.

### Кўчиб кетганлар сони бўйича улуши кам бўлган ҳудудлар (жамига нисбатан, % да)

|          |     |
|----------|-----|
| Наманган | 2,1 |
| Сирдарё  | 3,4 |
| Андижон  | 3,6 |
| Жиззах   | 3,9 |
| Хоразм   | 4,9 |

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Доимий аҳоли** – рўйхатдан ўтказилаётган вақтда муайян аҳоли пункти ёки ҳудудда доимий истиқомат қилаётган аҳолидан иборат бўлиб, бунга ушбу ҳудудда доимий рўйхатда туриб, лекин вақтинча яшамайдиган аҳоли ҳам киритилади.

**Шаҳар аҳолиси** – шаҳар ҳудудларида, яъни меъёрий ҳужжатлар билан шаҳарлар, шаҳарчалар сифатида белгиланган аҳоли пунктларида истиқомат қилувчи аҳоли.

**Қишлоқ аҳолиси** – шаҳарлар ва шаҳарчалар тоифасига киритилмаган ҳудудларда – қишлоқ жойлар (овуллар, қишлоқлар ва бошқалар)да истиқомат қилувчи аҳоли.

**Туғилиш** – туғилиш жараёнларининг содир бўлиши ва бошқа хусусиятларини тавсифловчи кўрсаткич.

**1000 аҳолига нисбатан туғилиш коэффиценти** – ҳисобот даврида жами туғилганлар (тирик) сонини ҳисобот давридаги доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади.

**1000 аҳолига нисбатан ўлим коэффиценти** – ҳисобот даврида жами ўлганлар сонини ҳисобот давридаги доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади.

**Никоҳ** – эркак ва аёл ўртасидаги, уларнинг бир-бирларига ва фарзандларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берадиган ўзаро муносабатлари шакли. Эр ва хотин ўртасидаги юридик муносабатлар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида никоҳларини рўйхатдан ўтказиш натижасида ўрнатилади.

**1000 аҳолига нисбатан никоҳ коэффиценти** – ҳисобот даврида тузилган никоҳлар сонини доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади.

**1000 аҳолига нисбатан никоҳдан ажралиш коэффиценти** – ҳисобот даврида никоҳдан ажралишлар сонини доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади.

**Кўчиб келганлар сони** – кўчиб келганларнинг абсолют миқдори, яъни муайян ҳудудга унинг ташқарисидан кўчиб келганлардан иборат. Ички ишлар органлари томонидан аҳолини яшаш жойи бўйича рўйхатга олишда тузиладиган статистик ҳисобга олиш сўровномаларини қайта ишлаш натижасида кўчиб келиш.

**Кўчиб кетганлар сони** – кўчиб кетганларнинг абсолют миқдори, яъни муайян ҳудудга унинг ташқарисидан кўчиб кетганлардан иборат. Ички ишлар органлари томонидан аҳолини яшаш жойи бўйича рўйхатга олишда тузиладиган статистик ҳисобга олиш сўровномаларини қайта ишлаш натижасида кўчиб кетиш.

**Аҳолининг миграцион ўсиши (фарқи)** – ҳисобот даврида кўчиб келганлар ва кўчиб кетганлар сони ўртасидаги фарқнинг абсолют миқдори.